БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 11 (3239). | Якшанба, 16 январь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МЕТАЛЛУРГЛАР ҲИССАСИ

БЕКОБОД. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи цехларида москвалик ва ленинградликларнинг ватанпарварлик ташаббусини муҳокама қилувчи йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Мартен цехи 3-печининг пўлат қуювчилари ана шу ватанпарварлик ташаббусини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Шерали Хасрақулов, Пётр Жиляев Утен Каникеев, Николай Филимонов ва Аҳмад Мўмидлаев ҳар бир эритишда 5 минут вақт тежаб қолиш, беш килограммдан чўян, бир килограммдан мазут, 10 килограммдан ферромарганец ва металл тежаб қолиш мажбуриятини олдилар. Печда иқтисод қилинган материаллар ҳисобига қўшимча суратда 1200 тонна пўлат эритиш имконини туғилади.

ПУХТА ЗАМИН

Утган йили 560 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 19 ўрнига 22 центнердан ҳосил олишга эришган Оққўрғон районидаги Калинин номли колхоз деҳқонлари ўз ютуқларини мустаҳкамлаш мақсадида бу йилги мўл ҳосилга ҳозирдан пухта замин тайёрламоқдалар.

Ғаниматт кунларнинг қадрига етаётган йигит ва қизлар, дала гвардиячилари бўлган механизаторлар — ҳамма далада бугун. Уларнинг бир гуруҳи ариқ ва зовурларни тозалаётган бўлса, яна бир гуруҳи ўғиттўплаш билан банд. Болтабой Бектўрғонов, Барот Марҳабоев, Сиддиқ Кўчкинбоев ўртоклар кузги шудгорлашда ғайрат билан меҳнат қилган эдилар. Эндиликда улар ўз тележкаларида дала бошларига куни га 9-10 тоннадан гўнг ташимоқдалар.

Р. ТОҒАЕВ.

СОВЕТ—МОНГОЛ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙДИР

УЛАН-БАТОР, 15 январь. (Монцамэ—ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Монголияда бўлиши муносабати билан бугун Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали мажлислар залида монгол-совет дўстлиги митинги бўлди. Митингда Улан-Батор давлат драма театрининг бадиий раҳбари, давлат мукофоти лауреати Э. Оюн монгол интеллигенцияси номидан гапирди.

Митинг қатнашчилари Ю. Цеденбал билан Л. И. Брежневнинг нутқларини самимий кутиб олдилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Митинг монгол ва совет халқларининг мустаҳкамланиб бораётган қардошларча дўстлигининг ёрқин ва тўлқинлантирувчи намойишига айланди.

Ю. ЦЕДЕНБАЛ НУТҚИ

Ю. Цеденбал Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топшириғига биноан, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошлиқ Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясини самимий табриклади.

Нотиқ айтдики, бўлиб ўтган музокаралар Монголия Халқ революцион партияси ва КПССнинг, Монголия Халқ Республикаси ва СССР ҳукуматларининг ўз мамлакатларида социалистик ва коммунистик қурилиш масалалари юзасидан, монгол-совет муносабатларини ривожлантириш, шунингдек ҳозирги халқаро аҳвол ва жаҳон коммунистик ҳаракати масалалари юзасидан қарашлари ва ҳаракатлари бир эканлигини яна бир марта кўрсатди, партияларимиз ва давлатларимизнинг марксизм-ленинизм ҳамда пролетар интернационализми принципларига чексиз содиқ эканликларини, уларнинг ягона улуғ мақсадга эришиш йўлидан доим бир сафда боришга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлади.

Тинч ижодий меҳнат фронтида халқ хўжалигимиз ва маданиятимизнинг турли соҳаларини ривожлантиришда халқимизга ҳар томонлама самимий ёрдам кўрсатган ва кўрсатаётган минг-минглаб совет кишиларининг қаҳрамонлик зафарларини батафсил баён қилиб беришнинг иложи йўқ. Совет мамлакатининг вакиллари ватанимизни тиклаш ва тараққий эттиришда ҳақиқатан ҳам зўр олижаноблик билан мислсиз ва бебаҳо иш қилдилар.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, қадрдон дўстимиз, совет-монгол дўстлиги йўлида астойдил курашиб келаётган Леонид Ильич Брежневга ва унинг тимсолида мамлакатимизнинг озодлиги ҳамда мустақиллигини империалистларнинг ҳамласидан қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ёрдам берган барча совет кишиларига чуқур самимий миннатдорчилигимизни изҳор қилишни истайман.

Нотиқ дедики, В. И. Ленин билан Д. Сухэ-Батор негизини қурган традицион монгол-совет муносабатлари аввал бошданоқ марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари, тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва социалистик ўзаро ёрдам принциплари асосида ривожланиб келди ва ривожланмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз меҳнаткашлари бахтиёрдирлар ва бу билан фахрланадилар. Шу факт диққатга сазовордирки, бу принциплар халқаро муносабатлар тарихида биринчи марта айни Монголия билан Совет Россияси ўртасидаги ўзаро муносабатларда эълон қилинди ва иккала мамлакат ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш тўғрисида 1921 йил 5 ноябрда имзоланган битимда ўз ифодасини топди. 1936 йилги протоколда, 1946 йил 27 февралдаги Монголия Халқ Республикаси билан СССР ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимда худди ана шу принциплар мустаҳкамлаб берилди.

Шартнома билан битим имзоланганидан сўнг ўтган 20 йил мобайнида, деб таъкидлади Ю. Цеденбал, МХРда жуда катта ўзгаришлар рўй берди, туб социалистик қурилиш масалалари юзасидан, монгол-совет муносабатларини ривожлантириш, шунингдек ҳозирги халқаро аҳвол ва жаҳон коммунистик ҳаракати масалалари юзасидан қарашлари ва ҳаракатлари бир эканлигини яна бир марта кўрсатди, партияларимиз ва давлатларимизнинг марксизм-ленинизм ҳамда пролетар интернационализми принципларига чексиз содиқ эканликларини, уларнинг ягона улуғ мақсадга эришиш йўлидан доим бир сафда боришга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлади.

Мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари шу йилнинг бошларида тамом бўлиши муносабати билан Монголия Халқ Республикасу партия-ҳукумат делегацияси 1965 йил апрелида Совет Иттифоқида бўлган вақтида дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги Шартноманинг муддатини узайтириш тўғрисида икки томонлама келишувга эришилган эди. Биноборин биз Монголия Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги шартнома тузилганлиги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Монголия Халқ Республикасига келганлиги ва самарали совет-монгол музокараларининг бош якунларидан бири бўлганлигини хурсандчилик билан таъкидлаймиз.

Ана шу шартномага мувофиқ, Монголия Халқ Республикаси билан СССР бузилмас традицион дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлай берадилар, монгол ва совет халқларининг бахт-саодати йўлида, бутун социалистик ҳамдўстлик манфаатларини кўзлаб, атрофлича ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдамни ривожлантиравердилар ва чуқурлаштиравердилар.

Монгол — совет муносабатларининг яхши традицилари ўзининг чуқур ифодасини топган ана шу янги тарихий ҳужжат муҳим халқаро аҳамиятга ҳам эга. Иккала тинчликсевар мамлакат — МХР билан СССР халқаро тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, яъни ва батамом қуролсизланишга, мустамлакачиликнинг барча шакл ва кўринишларини батамом тугатишга қаратилган ўзларининг куч-ғайратларини давом эттиришга қаттиқ бел боғлаганликларини, шунингдек, Осиёдаги давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ўрнатиш ва бу муносабатлар ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик билан ўтказажакларини, ер юзининг ана шу районида империалистик агрессия ҳавфининг олдини олиш ва йўқотиш учун биргаликда ҳаракат қилажакларини яна бир марта айтдилар. Мазкур шартномага биноан томонлар социалистик ҳамдўстликнинг мудофаа қудратини муттасил мустаҳкамлаб борши вазифаларига мувофиқ равишда иккала мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлашда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома МХР билан СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама қалин ҳамкорликни янада гуркратиб ривожлантириш учун яхши негиз бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Сўнгра нотиқ МХР меҳнаткашлари учинчи беш йиллик мобайнида эришган муваффақиятларни айтиб берди.

Партиянинг шу йил июнида бўладиган XV съезди Монголия Халқ Республикаси халқ хўжалиги тараққиётининг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан директивларни тасдиқлайди ва Монголия Халқ революцион партиясининг янги программасини қабул қилади. Янги беш йилликда, деди Ю. Цеденбал, Совет Иттифоқининг ёрдами билан 1966—1970 йилларда ўнларча саноат корхоналари қурилади ва реконструкция қилинади, қишлоқ хўжалигимизни, шунингдек, экономиканинг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан катта ишлар бажарилади. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенг қўламда олиб борилади.

Халқаро проблемаларга тўхталиб, Ю. Цеденбал бундай деди. Монголия Халқ Республикаси давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстона ҳамкорлик сиёсатини, халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашини қўллаб-қувватлаш, барча революцион, антиимпериалистик ва тинчликсевар кучлар бирлик фронтини мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Ю. Цеденбал сўнгра айтдики, Монголия Халқ Республикаси ҳукумати АҚШ нинг агрессия сиёсатига кескин суратда қарши чиқмоқда.

Монгол халқи ва унинг ҳукумати қаҳрамон Вьетнам халқи билан қардошларча бирдамлигини изҳор қилиб, унинг американ агрессорларга қарши олиб бораётган ҳаққоний курашига иложи бор қадар ёрдам ва мадад бериб келди, бундан буён ҳам ёрдам ва мадад бераверади. Монгол халқи ва унинг ҳукумати АҚШ ҳукуматидан Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияни дарҳол тўхатишни, АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг ҳамма қўшинларини, шунингдек қуролярогларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишини қатъий талаб қиладилар.

Нотиқ таъкидлаб айтдики, термоядро ҳалокати хавфининг олдини олиш ва бу хавфни йўқотиш учун, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамжиҳатликка эришиш учун қатъий ҳаракат қилаётган халқлар ва мамлакатлар Совет Иттифоқининг замонамиздаги энг муҳим проблемалар юзасидан бамаслаҳат бир фикрга келиш йўлидаги самимий интилиш руҳи билан суғорилган реал қадамлари ва ҳаракатларини, конкрет таклифларини қизғин маъқуллаб, тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқдалар. Шу муносабат билан у Совет ҳукуматининг ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги ва давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик тўғрисидаги таклифлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини эслатиб ўтди. Монгол халқи ва Монголия Халқ Республикаси ҳукумати, деди Ю. Цеденбал. Покистон президенти Аюбхон билан Ҳиндистон бош министри Шастрининг яқинда Тошкентда ўтказилган учрашувлари ва улар ўртасидаги музокараларни ҳуштиришда СССР ҳукумати кўрсатган ташаббус ва холис хизматни астойдил табриклайдилар. Бу ташаббус ва холис хизмат жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу учрашув ва музокаралар жуда яхши натижалар билан тугалланди.

Ю. Цеденбал ишонч билдириб айтдики, Гавана конференциясининг қарорлари империализм ва мустамлакачиликка қарши курашда Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари бирлигини мустаҳкамлашда, барча эрксевар прогрессив кучларни жипслаштиришда катта роль ўйнайди.

Реакция кучлари халқаро кескинликни кучайтириш, халқларнинг озодлиги ва мустақиллигига қарши ўзининг агрессив кирдикорларини авж олдириш учун жон-жаҳди билан уринаётган ҳозирги вазиятда империализмга қарши умумий кураш платформасида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳаракатларининг бирлигини мустаҳкамлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир, деди сўнгра Ю. Цеденбал.

Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг мустаҳкам принциплари асосида, қардош партиялар Москва кенгашларининг биргаликда ишлаб чиқилган ҳужжатлари принциплари асосида бутун социалистик ҳамдўстлик бирлигини мустаҳкамлаш учун, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати жипслигини мустаҳкамлаш учун курашда ҚПССнинг ҳормай-толмай қилаётган ишлари ва амалий ҳаракатларига, деди у, Монголия Халқ революцион партияси юксак баҳо беради.

Монголия Халқ революцион партияси жаҳон коммунистик ҳаракатида рўй берган келишмовчиликларни социализм ва коммунизм улуғ идеялари тантанаси йўлида, тинчлик ва халқлар дўстлиги ишининг манфаатлари йўлида бартараф қилишга КПСС билан ва бошқа қардош марксчи-ленинчи партиялар билан биргаликда ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрмоқда ва бундан буён ҳам кўраверади.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Л. И. Брежнев ўз нутқининг бошида совет кишилари ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси номидан монгол халқига ва унинг жанговар авангарди — Халқ революцион партиясига қизғин қардошлик саломини топширди.

Бизнинг халқ Монголиясига қилган сафаримиз узоқ давом этмади, деди Л. И. Брежнев, аммо биз шу кунлар ичидаёқ монгол халқи ўзининг жонажон партияси раҳбарлигида социалистик қурилишнинг буюк вазифаларини муваффақиятли ҳал этаётганлигини тўла равишда ҳис эта олдик.

Монголиянинг социализмга бориш йўли оддий ва енгил йўл бўлмади, деди Л. И. Брежнев. Ҳозирги кунда жаҳондаги кўп халқлар олдида турганидек, бундан 45 йил илгари сизнинг халкингиз олдида ҳам шундай масала турар эди: янги ҳаётни қай тарика барпо қилмоқ керак, иқтисодий қолоқликни қай тарика тез бартараф қилмоқ ва хўжалик ҳамда иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тараққиётни қандай таъминламоқ керак. Ленининг қолоқ мамлакатлар энг кўп ривожланган социалистик давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан капитализмни четлаб ўтиб, социалистик жамият қура оладилар деган таълимоти монгол революцияси олдида порлоқ истиқболлар очиб берди. Монгол халқи бутун бир ижтимоий формацияни — капитализмни баҳодирона хатлаб ўтди. Бу — ҳақиқатан ҳам тарихий зафар бўлиб, барча совет кишилари, бутун дунёдаги дўстларингизнинг ҳаммаси шу зафар туфайли сизлар билан бирга фахрланмоқдалар.

45 йил ичида Халқ революцион партияси ва бутун халқнинг ғайрат билан ишлаши туфайли Монголиядаги ҳаётнинг бутун тузилиши тубдан ўзгарди. Кейинги беш йил ичидагина, деди Л. И. Брежнев, мамлакатингизда 90 га яқин саноат корхонаси ва йирик цехлар қурилганлигини билиб жуда хурсанд бўлдик.

Монголиянинг қишлоқ хўжалиги ҳам ўзгарди. Монголия қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — чорвачилик муваффақиятли сурат да ривожланаётганлигини кўрдик. Кейинги йилларда жамоат чорва молларининг сони икки ярим миллион бош ортганлиги қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг катта муваффақиятидир, албатта.

Сизнинг мамлакатингиз саводхонлар миқдори жиҳатидан, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этиш жиҳатидан ҳозир Осиёдаги мамлакатларнинг кўпчилигидан олдинда бормоқда. Халқ интеллигенцияси ўсиб етишди, эндиликда мамлакатнинг ўз олимлари, ўз илмий муассасалари, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ишлаётган мутахассис кадрлари бор.

Монголия халқ революцион партияси, деди у, монгол халқининг тарихий ғалабаларни қўлга киритишида катта хизмат қилди.

Сўнгра Л. И. Брежнев Монголия Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши буюк тантана куни эканлигини таъкидлаб ўтди. Халқларимизнинг қардошларча дўстлик ва жипслик иделлари, деди у, шу ҳужжатда янада ривожлантирилди, халқларимизнинг социализм ва тинчлик йўлидан бир ёқадан бош чиқариб олга боришга тайёр эканлиги шу ҳужжатда ўз ифодасини топди.

Бизнинг халқларимиз, бизнинг партияларимиз 45 йилдан буён жанговар дўстликнинг мустаҳкам восталари туфайли бир-бири билан боғланган. Бу дўстлик социализм ўзининг агрессив кирдикорларини авж олдириш учун жон-жаҳди билан уринаётган ҳозирги вазиятда империализмга қарши умумий кураш платформасида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳаракатларининг бирлигини мустаҳкамлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир, деди сўнгра Ю. Цеденбал.

Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг мустаҳкам принциплари асосида, қардош партиялар Москва кенгашларининг биргаликда ишлаб чиқилган ҳужжатлари принциплари асосида бутун социалистик ҳамдўстлик бирлигини мустаҳкамлаш учун курашда ҚПССнинг ҳормай-толмай қилаётган ишлари ва амалий ҳаракатларига, деди у, Монголия Халқ революцион партияси юксак баҳо беради.

Монголия Халқ революцион партияси жаҳон коммунистик ҳаракатида рўй берган келишмовчиликларни социализм ва коммунизм улуғ идеялари тантанаси йўлида, тинчлик ва халқлар дўстлиги ишининг манфаатлари йўлида бартараф қилишга КПСС билан ва бошқа қардош марксчи-ленинчи партиялар билан биргаликда ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрмоқда ва бундан буён ҳам кўраверади.

СОВЕТ-МОНГОЛИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

УЛАН-БАТОР, 15 январь. (ТАСС). 15 январда Монголия Халқ Республикасининг ҳукумат уйида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шартномани СССР Олий Совети Президиумининг ваколатига биноан, совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев ва Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал имзоладилар. Шундан кейин Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Монголия Халқ Республикасида бўлиши тўғрисидаги Совет-Монголия ахборотини имзоладилар.

А. Н. КОСИГИН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КОБУЛ, 15 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар бугун эртаблаб махсус самолётда Кобулдан ватанига жўнаб кетдилар.

• • •

МОСКВА, 15 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Москвага қайтиб келди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, ракета техникаси ва космик тадқиқотлар соҳасидаги энг йирик олим ва конструктор, СССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси, КПСС аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, академик Сергей Павлович КОРОЛЕВ 1966 йил 14 январда 60 ёшида тўсатдан вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВДРДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Шелепин, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг биринчи ўринбосари К. В. Русаков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. С. Чистяков, генерал-полковник В. Ф. Толубко, СССРнинг ВДРдаги элчиси И. С. Шчербаковлардан иборат Совет Иттифоқи делегацияси Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети билан ВДР ҳукуматининг таклифига биноан, 1966 йил 7 январдан 13 январгача дўстона визит билан Вьетнам Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турди.

Совет делегациясининг ВДРда бўлиши тўғрисидаги ахборотда бундай дейилади: делегация Вьетнам халқининг вакиллари — ишчилар, деҳқонлар, ҳарбий хизматчилар, интеллигенция ва студентлар билан қўпгина самимий, дўстона учрашувлар ўтказди. Ҳамма жойда Вьетнам халқи Совет Иттифоқи делегациясига ўзининг қизғин меҳр-муҳаббатини намойиш қилди.

Совет Иттифоқи делегацияси билан Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати раҳбарлари ўртасида суҳбатлар бўлиб, бу суҳбатлар самимийлик ва қардошларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Вьетнам томонидан суҳбатларда Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Раиси, ВДР президенти Хо Ши Мин, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР Миллат Мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР ҳукуматининг бош министри Фам Ван Донг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВДР ҳукумати бош министрининг ўринбосари, мудофаа министри Во Нгуен Зиап, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ле Дик Тхо ва бошқа кишилар қатнашдилар.

СССР билан ВДР делегациялари Америка империалистлари Вьетнамда ва Шарқи-Жанубий Осиёда агрессив урушни кенгайтираётганлиги натижасида вужудга келган жиддий аҳвол устида фикрлашиб олдилар, Совет-Вьетнам муносабатларига доир баъзи масалаларни, халқаро вазиятни ҳамда Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси учун аҳамиятли бўлган бошқа бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Совет халқи, КПСС ва СССР ҳукумати номидан Совет Иттифоқи делегацияси Вьетнам халқининг Америка империализми агрессиясига қарши адолатли курашини тўла қўллаб-қувватлаётганлигини, ВДР ҳукуматининг 4 моддадан иборат позициясини ҳамда Жанубий Вьетнам халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлган Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг 1965 йил 22 мартдаги ўз баёнотида баён қилган позициясини тўла қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

ВДР делегацияси ВДР экономикасини ривожлантириш ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишида катта ва қимматли ёрдам кўрсатаётганликлари учун ҳамда Вьетнам халқининг озодлик курашига қудратли мадад бериб келаётганликлари учун Совет халқига, КПССга ва СССР ҳукуматига Вьетнам халқи, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва ҳукумати номидан миннатдорчилик билдирди.

Томонлар КПСС билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси, СССР билан ВДР ўртасидаги дўстона муносабатларнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнунлик изҳор этдилар, иккала партия ва мамлакат ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш чораларини муҳокама қилдилар ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг экономикасини ривожлантиришда, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ва Америка империалистларининг агрессиясини даф этишда Совет Иттифоқининг бундан буён ҳам ВДРга кўрсатадиган ёрдамига тааллуқли конкрет масалаларни қараб чиқдилар.

Совет Иттифоқи делегацияси Ханойда бўлган вақтда Совет Иттифоқи томонидан Вьетнам Демократик Республикасига қўшимча ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи янги битим имзоланди.

Совет делегацияси КПСС Марказий Комитети номидан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси делегациясини КПССнинг бўлажак XXIII съездига таклиф қилди. Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг Марказий Комитети бу таклифни қабул қилди.

Совет Иттифоқи делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасига қилган визити, дейилади ахборотнинг охирида, СССР билан ВДР ўртасидаги қардошларча бирдамликнинг янги ифодаси, совет халқи билан вьетнам халқи ўртасидаги, КПСС билан Вьетнам Меҳнатлашлар партияси ўртасидаги пролетар интернационализми принципларига асосланган бузилмас дўстликни ва жуда яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ишига қўшилган катта ҳисса бўлди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМНИНГ БУЮК КУЧИ

ДАРХАН, 14 январь. ТАСС махсус мухбирлари А. Шаронов ва Г. Ходулин хабар берадилар:

Совет делегацияси Дархандаги қурилиш базаси билан танишганидан кейин шаҳар атрофида жойлашган монгол-совет дўстлиги номидаги қишлоқ хўжалик бирлашмасининг бригадаларидан бирида бўлди. Чорвадорлар монголларнинг миллий одатига кўра, азиз меҳмонларга ҳурмат юзасидан сут солинган кумуш идишни дастурхон устига қўйиб тақдим этдилар.

Совет партия-ҳукумат делегацияси халқ Монголиясининг раҳбар арбоблари билан биргаликда шаҳардаги уй-жой қурилишини кўздан кечирди ва Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Дархан теплоэлектроцентралида бўлди. Бу ерда станцияни расмий суратда ишга туширишга тантанали маросими ўтказилди.

Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал Монголия қурувчилари қаҳрамонона меҳнат қилиб, Дархан—Шарин—Гол темир йўл магистралини, йилига 1 миллион 100 минг тонна кўмир чиқариладиган карьерини, Дархан—Шарин—Гол, Дархан—Сухэ-Батор юқори вольтли электр линиясини, неча ўн километрлаб ер ости коммуникацияларини белгиланган муддатдан олдин ишга туширдилар, катта элеваторни, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариладиган бир неча завод ва цехларни курдилар, уй-жой массивини қуриш соҳасида кўп иш қилдилар.

Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган Дархан теплоэлектроцентрали Дархан бинокорларининг янги катта меҳнат галабаси бўлди.

Дархандаги қурилишда ва бошқа иншоотларда қардош мамлакатлар мутахассисларининг ёрдами билан миллий мутахассис кадрлар ва малакали ишчиларнинг кўп миқдорда тайёрланаётганлиги, деб уқтириб ўтди. Ю. Цеденбал, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар кўрсатаётган қардошларча ёрдамнинг самарали натижаларидан биридир, Дархан қурилиши монгол-совет дўстлигининг ҳаётбахш кучини яна намойиш қилади. Бу дўстлик халқларимизнинг фарзандларига ҳозир Дархан тимсолида кўриб турганимиздек, меҳнат фронтида ёки мамлакатларимизнинг жанговар ҳамдўстлиги тарихида кўп марта учраганидек умумий душманларга қарши жанг майдонларида ҳам ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларни енгиш ва ҳар қандай жангда галиб чиқиш имконини берди.

Ю. Цеденбал Дархан иншоотларида ишлаётган совет мутахассислари ва ишчиларининг Монголия Халқ Республикасини янада яшнатиш йўлидаги қаҳрамонона меҳнатлари учун Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси ҳукумати номидан уларга монгол халқининг самимий ташаккурини топширди. Ю. Цеденбал Чехословакия ва Польшанинг ёрдами билан барпо этилаётган корхоналар қурилишида зўр ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилаётганликлари учун қардош Чехословакия ва Польшанинг мутахассисларига ҳам самимий ташаккур билдирди.

Ю. Цеденбал сўзининг охирида бундай деди: Мамлакатимизда социалистик қурилиш ишига жуда беҳаҳо ёрдам ва мадад берётганликлари учун Л. И. Брежнев бошчилигидаги азиз меҳмонларимиз орқали партиямиз ва ҳукуматимиз номидан, бутун монгол халқи номидан КПСС Марказий Комитетига, СССР ҳукуматига ва бутун улуг совет халқига энг самимий миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Ю. ЦЕДЕНБАЛ НУТҚИ

Бизнинг ҳурматли меҳмонларимиз — дўстлик миссияси билан мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилаётган КПСС Марказий Комитети Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси аъзолари билан биргаликда сизларнинг ҳузурингизга, Дархан қурувчиларининг интернационал оиласига келишимиз биз учун, Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикасининг ҳукумати номидан, монгол халқининг самимий ташаккурини топширишга рухсат берасизлар деб ўйлаймиз.

Ҳурматли Леонид Илич! Сизга, Монголия Халқ Республикасининг ҳурматли меҳмонларига, Монголия Халқ Республикасининг ҳукумати ва Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг ва Монголия Халқ Республикасининг ҳукумати номидан, Дархан шаҳрининг ва Дархан аймоқининг ишчилар синфига, деҳқонларга, зиёлилар ва барча меҳнаткашларга, Монголия Халқ Республикасининг барча фуқаро

Қўш терак

ҲИКОЯ

□ □ □

Ақл-ҳушимни эндигина таниган бўш-баёв йигитча эдим. Ёшлигимнинг ана шу баҳори қалбимда рассом бўлиш умидини туғдирди. Қўлимга дастлаб мўйқалам олганимда отам ҳам қувониб: «Яхши касб танлабсан, ўғлим. Шу касбга астойдил кўнгил қўйган бўлсанг, бир ердан чиқасан. Унутма, машаққатидан қўрқмаган одам тошда гул ундиради» деган эди.

Отамнинг сўзи орзумга қанот бағишлади-ю, шу ёшимгача қўлимдан мўйқалам тушмади. Қанча-қанча суратлар чиздим, уларни чизишда янглишдим, тузатдим, яна изландим. Кейин-кейин бориб қараганда кўзни оладиган, фикрга-фикр, завққа-завқ қўшадиган суратлар чиздим. Буларнинг баъзилари кўргазмаларга қўйилиб, яхши баҳо олди. Илҳомимга-илҳом, шавқимга-шавқ қўшилди. Лекин ҳамон изланаман, ўйлайман, баъзан мўйқаламимни ушлаганимча чизаётган суратим олдида тонг оттираман.

Ёндевор қўшним — Анваржон ўзи ўқитувчи бўлса ҳам ҳар ҳунарга ҳавасманд, дилкаш йигитлардан. Унинг бир ўғли, бир қизи бор. Ҳар шанба, ё дам олиш куни «қўзичоқлари»ни етаклаб уйимизга чиқади, чизаётган суратларимни завқланиб томоша қилиб ўтиради-да, сурат солишга укуви йўқлигидан ўзича нолиб қўяди, кўпинча менинг талантли эканимни айтиб, илҳом бериб туради. У менга қаттиқ ўрганиб қолганини сезаман.

Шоир ўзининг янги ёзган шеърини яқин дўстига ўқиб беришга ошиққанидек, ҳар бир чизган суратимни Анварга кўрсатишга шошиламан. Шу ҳафта ичида бир сурат чиздим. Унда нуроний бир боғбон чол тасвирланган эди. Анварни чақириб чиқишга ҳам сабрим чидамай, суратни кўтарганча уйига чопдим. Бахтимга дўстим уйда экан:

— Томоша қил, биродар,— дедим ҳаяжондан дўстимнинг елкасига уриб. — Боғбон чолнинг нашвати ноқ ушлаб туришини қара... жонли чиқибдими?

Анвар суратга тикилиб, анчагача жим қолди, кейин лабини буриб ғапирди:

— Тузук. Лекин, суратингда мақсад чиқмаган. Мўйсафид чолнинг кўриниши, кексалик қиёфаси яхши тасвирланган. Қўлидаги ноқ ҳам худди ўзгинаси. Бироқ чолнинг боғбонлиги билинмаяпти. Суратга шундай қараганингда боғбон билан бир-бирига омухта бўлиб кўринса, яхши бўларди.

Ҳар ким ижод этган нарса ўз кўзига фарзанддек азиз, иссиқ кўринади дейишади. Аммо, унга бошқа одамнинг кўзи билан қараганда нуқсонқусурлар ойнада акс этганидек равшанлашади. Чизган суратим ҳақида Анвар айтган фикрлар тўғри. Суратда боғбоннинг кўриниши оддий бир мўйсафиднинг портретига ўхшаб қолган.

— Хўп десанг, — деди у бир оздан сўнг, — эртага дам олиш куни Чопон-отага олиб бораман, Улфат ота деган боғбон чол бор. Мен бу чол билан ўша қишлоқда ишлаган йилим танишганман. Отахон ажойиб чол. Қалби олтин, қўли гул! Шу чол билан кўришиб, боғларни айланиб келамиз. Маъқулми?

Боришга рози бўлдим.

Саҳар пайтида икковлашиб йўлга чиқдик. Тонг отиб кун ёйилганда автобус бизни қишлоққа етказиб қўйди. Гузар четидаги тупроғи қайнаб ётган йўл билан бориб, катта анҳор бўйига тушдик. Анҳорнинг нариги соҳили меваздор боғлар эди.

Яккачўп кўприкдан ўтдик. Анҳор бўйидаги эркаклаб кетган ялпизларнинг гулларига тўқ снёхранг қанотли капалаклар қўниб, худди ухлаётгандек кўринади.

— Мана шу ариқдан буёғи Улфат отанинг боғи, — деди Анвар ўқариқни кўрсатиб. — Хув, тўғридаги толларни, унинг нариги ёғидаги икки туп мирзатеракни кўраяпсанми? Ана ўша ерда Улфат отанинг уйи, томорқаси бор...

Икки ёнига қаламча қилиб теракчалар экилган сўқмоқ йўлдан боғга кириб бордик. Боғ ўртасида атрофига самбит толлар ўтқазилган ҳовуз тонг яллиғида ярақлаб кўринди. Ҳовуз бўйидаги қайроқдек силлиқланиб кетган харсангтош устида оқ яктак кийган, соч-соқоллари кийимидек оппоқ, қадди анча эгилган бир чол сувга тикилиб ўтирарди. Биз орқа томондан бораётганимиз учун чол ҳеч нарсани сезмас, чўқур хаёлга толганидан харсанг устида худди ҳайкалдек қотиб қолган эди у.

Мен дастлаб ҳовузга қарадим. Толлар соя ташлаб турган ҳовуз сувида иккита қизил балиқ бир-бирининг изидан сузар, уларнинг бири сув остига шўнгиса, иккинчиси юзага отилиб чиқар эди.

Шу пайт Анвар бехосдан йўталди. Улфат ота ҳайратда биз томонга ўгирилиб қаради:

— Э, келинглар, қайси шамол учирди, — боғбон томирлари бўртган қўлларини харсангга тираб ўрнидан турди, биз билан икки қўллаб кўришди-да, гулзор ёнидан чор тевараги очиқ шийпонга бошлади. Баҳаво шийпоннинг ўртасига қўйилган узун хонтахта атрофига қизил паёндозлар солинган эди, Чол бизни юқорига таклиф қилиб, ўзи пойгакка ўтирди, яхши етиб келганимизга қувонгандек фотиҳа ўқиди. Кейин Анварнинг уй ичидагиларини, ҳол-аҳволини, ишини сўради, менинг исмимни, хизматим қаердалигини икки-уч савол билан билиб олди.

— Сизлар зерикмай гаплашиб ўтиринглар, — деди боғбон қўлини тиззасига қилиб ўрнидан тураркан. — Мен ҳозир келаман.

Улфат ота шийпон устунидаги қозиққа илинган думолоқ саватни олиб, боғга кириб кетди.

Мен атрофга қараб тўймайман. Боғнинг ҳар ер-ҳар ерига табиат кўк, қизил, сариқ, жигарранг, зангори, оқ, қора, оч пушти ва бошқа ранго-ранг бўёқлар билан шундай бир манзара чизган эдики, мўйқалами ўткир рассом ҳам уни бундай жилвали, жозибали қилиб яратолмас эди.

Зум ўтмай Улфат ота чўқур саватни ҳар турли меваларга тўлдириб келиб қолди. Анвар ўрнидан туриб чолнинг қўлидан саватни олди. Ота саватни мевасн билан анҳорга пишиб-пишиб олган бўлса керак, мевалар юзида шудрингдек томчилар ялт-юлт ёнади.

— Қани, меваларданг еб ўтиринглар, — табассум билан илтифот қилди Улфат ота. — Саватда ҳамма меваларданг бор, анови патнусга солинглар, ейверинглар азизларим. Ҳа, тортинманглар.

Улфат ота икки қўлини орқага ташлаб, чирмаштирган ҳолда ишкомлар ёнидаги уй томонга кетди. Анвар саватдагиларни бирма-бир олиб, патнусга қўйди. Патнусда узум, олма, анжир ва ҳар хил мевалар бор эди.

Шу орада Улфат ота тағин қайтиб келди. Қарангки, боғбонга хаёлан чўқур тикилганимдан пастда, шийпон зинасида нон солинган патнис кўтариб турган сарвқомат қизни ҳам кўрмай қолибман.

— Анвархон, — деб мурожаат қилди боғбон, — мана кўринг, кўзимнинг оқ-ораси, тўрвақоқди қизим. Исми Зумрад. Сиз қишлоғимизда муаллимлик қилганингизда, Зумрад ўпалоқ-сўпалоқ қиз эди. Қаранг, катта қиз бўлиб қолди.

Зумрад олдин Анварга, кейин менга соддагина қараб олди-ю, ерга тикилиб туриб жилмайиб қўйди. У нон тўла патнисни бироз эгилиб, отасига узатаркан, майда қилиб ўрилган соч толалари елкаси оша қизил нимчаси қисиб турган дўмбоқ сийнасига сирғалиб тушди.

— Катта қиз бўлиб қолибди — деди Анвар боғбонни қувонтириб. — мактабни битирдингми, Зумрад?

Қиз индамади. Улфат ота Зумрадга қараб, Анварга жавоб қилди.

— Битқазди. Менн бир оз ранжитиб ҳам қўйди. Нуқул шаҳарга ўқишга бораман дейди. Ҳали ёшсан, бир-икки йил фермада ишлагин, мен билан боғ ишларига қарашгин деб, уввало

ялиниб зўрга олиб қолдим. Ишласин, пишсин дейман-да, бўтам.

Улфат ота бир оздан кейин боғни айланишга таклиф қилди.

Офтоб анча тикка келиб қолган. Боғнинг ҳар ер-ҳар ерида чигирткалар минг йиллик нағмаларини куйлаб чириллайдилар. Анорзор, кейин анжирзорлар орасидан ўтиб, боғ этагига бордик. Улфат ота ёнмаён ўсган мирзатерак қаршисида тўхтади Бу ғалл икки теракнинг бош томонидагина шох-ниҳоқлар бор, Танаси худди оқ-лангандек ярақлайди. Ниҳоқлари шамолда шовуллаб тескари ўгирилганда, тоза кумушдек кўзни олади. Ҳар икки терак ҳасан-ҳусандек ўхшаш, баббаравар, тик ўсганки, учига қараса, бошдан дўппи тушиб кетади.

— Теракларни кесмайсизми, ота? — деди Анвар.

Улфат ота олдин Анварга, сўнг мирзатеракларга ўқинч билан боқиб қолди:

— Бу теракларни қирққан кунимўзим қирқилай, — деди Улфат ота қўкутдан кейин. — Бу теракнинг биринн Гаффорим, иккинчисини Фаттоҳим эккан. Худди ўша йили, илон йили иккала ўғлимни олдинма-кейин урушга кузатганман. Йил ўтмай, ҳар иккала азаматимнинг ҳалок бўлгани ҳақида «қора хат» олдим. Хону-моним куйди. Ҳа, куйди. Улардан ёдгор бўлиб шу икки терак қолди. Уларга караб ўтириб Гаффорим, Фаттоҳимни кўргандек бўламан. Шамол бўлган пайтда теракнинг олдига келиб турнинг яхши кўраман. Теракдар шамолга шовиллаб, мен билан гаплашаётгандек бўлади. Хасратимни ҳам, севинчимни ҳам шу теракларга айтаман. Тераклар гапимни тушунгандек, шамолда бош эгиб-бош эгиб қўйишади. Мирзатераклар йиқилган куни мен йиқиламан.

Боғбон «қўлт» этиб ютунди. Боғнинг юқори томонига қараб кўкрагини тўлатиб, чўқур нафас олди:

— Боғлардаги бирор мева қирқилса, сиқса, мен қирқиламан, синаман Бу боғ, бу нозу неъматлар эл-юртники. Шу боисдан боғга девор ҳам олдирмаганман... Фақат мирзатераклари ҳеч кимга ишонгим келмайди, юрагимнинг устунига ўхшайди...

Боғбоннинг қалби титраётгани, қалби йиғлаётгани аниқ, лекин кўзларида ёш кўринмас эди. У анчагача теракларга қараб турди-да, индамай узумзор томонга оғир қадам ташлаб кетди. Унга эргашдик, Ишкомлар этагидан Зумраднинг қўнғироқдек янгроқ овози эшитилди.

Заргалдоқ, сариғе,
Егани тариғе,
Ҳаю гала қуш,
Ҳаю гала қуш!

Шундан кейин пақирнинг тақирлаши, қушларнинг «гув» этиб учиши ва Зумраднинг чапак чалгани боғни завққа тўлдирди.

Улфат ота қизининг овозини эшитиб, енгил тортгандек бирдан қаддини ростлади. Чол токзор боғларни, яниги янги экилган олмаларни, беҳиларни, шодашода ҳосил қилган жийдаларни кўрсатиб, уларни қандай қўкартирганини гапириб берди.

Оқшом тушганда Анвар билан шаҳарга қайтдик. Кекса боғбон бизни кузатиб қолди.

Мен ана шу шўх кулган боққа, Улфат отанинг уйига тез-тез бориб турадиган бўлиб қолдим. Чол мени ҳар сафар самимий, дилдан қарши олади. Мен боғларни, шу боғларни яратаётган қўли гул, қалби булоқ сувидек мусаффо соҳибкор ҳаётини ўрганаяпман, изланаяпман. Қўлимга ҳар сафар мўйқалам оламан-да. Улфат отанинг қайси фазилатини чизсам экан деб ўйланиб қоламан. Боғда ниҳолларни парвариш қилиб юрганини тасвирлайми, ёки боғ этагидаги мирзатераклларга қараб жангда ҳалок бўлган икки азамат ўғлини эслаб турганини чизайми? Ёки қизи Зумрад билан шийпонда ўтириб, ўзи бунёд этган боғларга завқланиб тикилаётганини яратмайми?.. Айтинг қай бирини чизай?..

Тўлқин РАСУЛЕВ.

КОЛХОЗ ЛИМОНЗОРИ

Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг теплица хўжалигида барра пиёз, помидор, лимон етиштирилмоқда. Бу ноз-неъматлар шаҳар аҳолисига тортиқ этилмоқда. Суратда: (чапдан) колхозининг тажрибали деҳконларидан звено бошлиғи Олимжон Сандаҳмедов ва кекса соҳибкор Обид ака Зокировлар лимон узишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Янги шеърлар

ШУНДАЙ ПАРТИЯ БОР

Утмишни китобдан биламан
фақат,
Утмишки, элимни қақшатган
зор-зор.
Утмишки, ҳар они қонли,
бешафқат
Аммо, зулм уйин этган тор-у мор
Шундай партия бор
ва у барқарор!

Лидер мижғовланар: қани, юрт
ишин
Бошқара олувчи қандайин куч
бор!
«Есть такая партия!» янграб
товушн
Ильич хитоб қилар дилда
ифтиҳор,
Шундай партия бор
ва у барқарор!
Бутун Европанинг замбаракдари
Юртимга ўт-олов пурккан
йилларда,
Минг хил ёв бизга от сурган
йилларда
Барини-барини этган хокисор
Шундай партия бор
ва у барқарор!
Зарбимиз емирди зулм қалъасин,
Куладн Европа узра машъум дор,
Гитлер қишларини тиндириб
сасин
Элларни айлаган озод, бахтиёр
Шундай партия бор
ва у барқарор!
Ой — у Зуҳроларга йўл олдик
тинка,
Қуёшга ҳам ашён қуришимиз
бор,
Етказмоқчун инсон қўлини кўкка
Йўлдошлардан ясаб беролган
тулпор
Шундай партия бор
ва у барқарор!
Улуғ манзил сари йўл олган
дадил,
Собит қадамлари зўр,
мардонавор,
Миллиону-миллионлар жўр овоз,
яқдил
«Менинг партиям!» деб қилган
ифтиҳор
Шундай партия бор
ва у барқарор!

Охунжон ҲАКИМОВ.

СЕВГИГА БОРМИ ЎЛЧОВ?

Билимнга баҳо олар ўқувчи,
Торозида тортар деҳқон
ҳосилин.
Мисқоллаб ўлчайди олтиннн
заргар,
Сайёҳ ҳам метрлаб аниқлар
йўлин.
Аммо, бир нарсага тополмай
ўлчов,
Оташда юрагим ёнади лов-лов.
Васлингга ташнаман, жонгинам
нетай,
Бормикан дунёда севгига
ўлчов?!

Абдуфаттоҳ СОБИРОВ.

ТЎРТЛИК

Қизил гул рангининг шайдоси
бўлиб,
Кўрганда боқаман тўймасдан
бир-бир.
Шу гулга ошиқман, аммо шу
гулдан,
Озгина қизармоқ мен учун оғир...

Абдуолим ИНОҚОВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

СТОЛ УСТИДА ТЕАТР

Жимжилоқдек кичкина қўғирчоқлар балетмейстерининг янги классик балет яратишига ёрдам беради. Бундай қўғирчоқларни ҳар қандай ҳолатга солиб қўйиш мумкин.

Алексей Толстойнинг машҳур эртак — қиссасининг қаҳрамони Қарло Каби хореограф Леонид Ошурко ўзининг қўғирчоқларини оддий ёғочдан ясайди. У, қўғирчоқларни ясашда ланцет ва скальпельдан фойдаланади. Ҳар бир қўғирчоқ ўн тўққизта жуда кичкина деталлардан иборат бўлади. Шу деталлардан балетдаги ҳар қандай ҳаракатни бажара оладиган кичкина одамчалар йиғилади.

Кишиневдаги халқ ижоди уйининг хореографи Леонид Ошурко бир неча ўнлаб рақслар яратган. Бу рақсларни у аввало ёғоч қўғирчоқларни ўйнатиб репетиция қилиб кўрган. Балетмейстер Ленинграддаги кичик опера театрида хореография билан шуғуллана бошлаган эди. Шунинг учун ҳам у мазкур театрнинг айнан кичкина нусҳасини ясаган ва ўзининг ёғоч «актерлари»ни ана шу кичкина саҳнада «машқ» қилдиради.

Р. ХОМЕНКО.
(ТАСС мухбири).

●

ИХТИЗАВРЛАР МАКОНИ... КОЛИМА

Колима ерларини абадий муз ва қор қоплаб ётибди. Эллик градуслик совуқ баъзан тепаликлар ва жарлар устини қоплайдиган қалин туман вужудга келтиради. Мана шу беҳоёт музликларда бир вақтлар илиқ денгиз бўлганлигини, тропик иқлим ҳукмронлик қилганлигини тасаввур этиш қийин. Лекин олимлар келтирган далилларни рад қилиб бўлмайди. Яқинда шарқи-шимолий геология бошқармасининг қидириш партияси Колима дарёсининг юқори томонларида ихтиозаврлар суяги билан тўлган жойни топди.

Геологлар топган яна бир қашфиёт ҳам диққатга сазовордир. Магадан области территориясида жанубда ўсадиган дарахтларнинг меваси биринчи марта топилди. Бу ерда бу дарахтлар муалик даврдан сал бўрунроқ ўсган экан. Колимада тоғ жинслари пайдо бўла бошлаганида бу дарахтлар қуриб йўқ бўлиб кетган. Қимматли металл конлари ҳам ўша вақтда вужудга келган. Бундай дарахтларнинг меваси топилган абадий музликларда янги конларни ҳам қидириб топиш мумкин, деган хулосага келса бўлади.

Е. ДЕНИСОВ,
(ТАСС мухбири).

●

ЮЗ ЙИЛЛИК ГУГУРТ

Актюбинск областининг Чалкар посёлкасида эски изроатни бузаётган ишчилар латтага яхшилаб ўраб қўйилган гугурт қутиларини топиб олдилар. Ҳар бир қутида узунлиги 57 миллиметрлик 75 дона ёғоч гугурт чўпи топилди. Гугурт чўпининг бошидаги олтингугурт яхши сақланган. Ишчилар шу гугуртни чақиб папирос чекиб олдилар. Гугурт қутисининг этикеткасида шер сурати бор. Этикеткадаги ёзувга қараганда, Россияда гугурт фабрикаси ўз маҳсулотини 1858 йилдан ишлаб чиқара бошлаган.

(ТАСС мухбири).

КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШ

товар-пул муносабатларини схоластик тарзда талқин этувчи кишилар масалани худди шу тахлитда тушунадилар. Ўз-ўзидан маълумки, агар товар-пул муносабатлари фақат капиталистик экономика инструментлари бўлса ва улар социализм даврида ҳам шундайлигича қолган бўлса, у ҳолда улардан тезроқ қутилишга ҳаракат қилиш лозим бўлган бўлур эди. Лекин ҳаёт социалистик қурилиш жараёнида товар-пул муносабатларидан фойдаланиш зарур эканлигини жуда ишончли қилиб кўрсатиб берди. Социализм шароитида бу муносабатлар сифат жиҳатидан янги мазмун касб этади ва улар коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Социалистик хўжалик юритишнинг иқтисодий методлари, марказлаштирилган социалистик планлаштиришни мустаҳкамлаш, уни омма ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, бутун халқ ижодий кучларини юксалтириш асосида ривожлантириш — буларнинг ҳаммаси товар-пул муносабатларидан, қиймат ричаглари системасидан фойдаланишни талаб этади.

Эффектив хўжалик юритиш социалистик принципининг хусусий фойда ва шахсий бойишни кўзлайдиган капиталистик принцип билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Капиталистик фойда принципи механизмларни эксплуатация қилишга асосланган, у хўжайинлар ва ходимларнинг манфаатини бир-бирига қарама-қарши қўяди ҳамда тўқнаштиради, уларни муросасиз душманларга айлантиради. Хўжалик юритишнинг социалистик принципи жамият, коллектив ва ходимлар манфаатини узвий равишда боғлаган ҳолда бутун халқ фаровонлигини ошириш мақсадини ўз олдига қўяди.

Бизнинг хўжалик ҳисобимизнинг социалистик табиатини тушуниб олиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган иқтисодий элементларнинг айримларини кўздан кечириш кифоядир.

Бизнинг шароитимизда товар, баҳо, тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари — булар эски, стихияли — капиталистик формалар эмас, балки социалистик экономикани ривожлантириш воситаларидир. Товар — бу социалистик корхона планли равишда ишлаб чиқарган ва хусусий бойиш манфаатлари йўлида эмас, балки жамият манфаатлари йўлида худди ўшандай планли равишда бозорда реализация қилинадиган маҳсулотдир. Баҳо — бу стихияли бозор баҳоси, бойиш ва чайқовчилик баҳоси эмас, балки планли равишда белгилаб қўйиладиган ва иқтисодий меҳнатни қатъий ҳисоб-китоб асосида сарфлаш ҳамда социалистик қайта ишлаб чиқаришда эффектив пропорцияларни сақлаб туришга хизмат этадиган категориядир. Тўғридан-тўғри иқтисодий алоқалар — бу стихияли-капиталистик рақобат соҳаси эмас, балки социалистик корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларни планли равишда реализация қилиш соҳасидир. Ана шу реализация воситаси билан айни вақтда ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқа воситаси ҳам, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий истеъмолга мувофиқлик даражасини ва экономиканинг такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бутун боришига эффектив таъсирини текшириш масалалари ҳам ҳал этилади. Бунда такрор ишлаб чиқариш мумкин қадар энг тежамли суратда амалга оширилиши, бутун жамият манфаатлари йўлида энг кам харажат сарфлаб, энг кўп натижаларга эришишга эътибор бериш лозим.

Социализмнинг фойда деган хўжалик инструментини олиб кўрайлик. Социализм экономикасида фойданинг ролини жиддий равишда ошириш хўжалик ҳисобини Ленин тушунтирган маънода амалга оширишнинг зарур шартидир.

Социализмда фойда ўзининг социал-иқтисодий мазмуни ва ўйнайдиган роли жиҳатидан капитализмдаги фойдадан тўбдан фарқ қилади. Капиталистик фойда — бу капиталистлар томонидан қўшимча маҳсулотни ўзлаштиришнинг универсал формаси, капиталистик эксплуатация формаси. Фойда кетидан қувиш — ҳаракатга келтирувчи бирдан-бир мотив, капиталистик ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳисобланади.

Бунга қарама-қарши ўлароқ социализмда фойда — бу қўшимча маҳсулот формаларидан бири бўлиб, у меҳнаткашларга ва фақат уларга тегишлидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг социалистик корхона даромади, деб ҳисобланадиган қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам фойдадан унинг бир қисмини умумдавлат эҳтиёжларига, бошқа қисмини шу корхонанинг ва унинг коллективининг эҳтиёжларига ажратиш йўли билан фойдаланилади. Демак, социализмдаги фойда — бу хўжалик ҳисоби категориясидир. У бир томондан ҳар бир социалистик корхона хўжалик фаолиятининг эффективлигини, корхона ихтиёрига давлат томонидан бериб қўйилган моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг рационаллик даражасини кўрсатади. Иккинчи томондан у социалистик корхонани ривожлантириш ва корхоналар фаолиятини моддий рағбатлантиришнинг иқтисодий воситасидир.

Маълумки, социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади — халқ эҳтиёжларини қондиришдир. Социалистик планлар ана шу мақсадга бўйсундирилган. Ҳар бир корхона плани — халқ хўжалик планининг ажралмас қисмидир. Корхона фойдаси, рентабеллик кўрсаткичларига қараб моддий рағбатлантириш ҳам социалистик ишлаб чиқариш мақсадларини амалга оширишга қаратилган иқтисодий воситалардир. Шунинг учун ҳам фойда ролини мустаҳкамловчи, фойда келтиришда эришилган даражага қараб, корхона коллективларини мукофотлаш йўли билан шахсан моддий рағбатлантиришни хўжалик ҳисоби принципига бўйсундириш тадбирлари — булар социалистик тадбирлар бўлиб, хўжалигимизни ривожлантиришга, коммунизм қурилишига қаратилгандир.

Демак, социалистик қурилишда товар-пул муносабатларидан фойдаланиш — бу турли алпоздаги туҳматчилар зўр бериб такрорлаётганидек, хўжалик юритишнинг капиталистик методларини тиклаш эмас, балки социалистик экономика имкониятлари ва афзалликларини коммунизм қураётган халқ манфаатларини кўзлаб ишга солиш демакдир.

IV.

Социалистик жамият моддий техника базасини, унинг экономикасини ривожлантиришга марксчиларнинг социал муносабатларнинг ҳаммасини бир бутун равишда такомиллаштиришнинг, халқ моддий фаровонлиги ва маданий даражасини кўтаришнинг, жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахснинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун шарт-шароит яратишнинг асоси, деб қарайдилар.

Камбағалликка социализмнинг бутун даврида меҳнаткашларнинг муқаррар йўлдоши деб қараш, камбағалликни сал бўлмаса эзгулик даражасигача кўтариб қўйиш — бу социалистик мамлакатлар халқларига қўпол равишда туҳмат қилиш, моддий маданият прогрессини капитализм ихтиёрига бериб қўйиш демакдир. Коммунистлар келажак авлодни ҳозирда яшаётганлар тарки дунё қилиб, моддий неъматлардан ўзларини тийиб истеъмол қилишлари ҳисобига бахтиёр қилиш учун курашаётганлари йўқ. Улар ҳаётни шу бугун, замондошлар учун қувончли ва бой қилиш учун ҳамма ишларни амалга ошириб, авлодлар учун яхши келажак тайёрлашга чақирадилар.

Социализм ўз асоси ҳисобланган ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига бўлган ижтимоий мулкчиликнинг ривожланиш даражасига қараб, ўз ички қонуниятлари ҳаракатларининг кенгайиб боришига қараб жамиятнинг социал жиҳатдан бир хиллигининг тўхтовсиз ўсишини таъминлайверади.

Агар ҳозирги иқтисодий реформанинг синфий йўналиши ҳақида гапирадиган бўлсак, у ўзининг барча аспектларида ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, бутун совет халқининг умумий, туб манфаатларини ифода этади, жамиятимиз иқтисодий асосларини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беради.

Иқтисодий реформа туфайли вужудга келадиган янги имконият ва истиқболлар коммунистик қурилишда ишчилар синфининг раҳбарлик ролини оширади. Ишчилар синфининг қишлоқ хўжалигига кўрсатадиган иқтисодий ва техника ёрдами анча ортади. Планлаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги системаси ижодий меҳнат учун, новаторлик ва ташаббус кўрсатиш учун, ижтимоий ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришда оммаанинг актив иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Иқтисодий реформа илмий техника прогрессини тезлаштириш учун, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш билан бутун халқнинг маданий-техника савиясини ўстиришга, ишчилар синфи, деҳқонлар ва халқ интеллигенцияси иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Иқтисодий реформа Совет Иттифоқининг барча қардош республикалари экономикасини гуллаб-яшнатиш, уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини кучайтириш билан СССР халқлари дўстлигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Социализм шароитида ҳозирги ишлаб чиқариш тақозоси билан ижтимоий меҳнатни ақолининг ҳар хил группалари ўртасида тақсимлаш капитализмда бўлаётганидек, алоҳида ишчиларнинг фойдаланадиган бирон бир табақаларнинг вужудга келишига олиб келмайди ва келолмайди ҳам.

Социалистик жамиятда меҳнатга унинг миқдори ва сифатига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлаш социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятидан келиб чиқади. Ф. Энгельс таъкидлаганидек, тақсимлаш усули тақсимланадиган маҳсулотларнинг миқдорига ниҳоят даражада боғлиқдир. Ҳали жамият маҳсулотларни мўл-кўл равишда ишлаб чиқариш имкониятига етмаган экан, «тақсимлаш ишлаб чиқаришни оширишнинг методи, қуроли, воситаси бўлиб қолади» (Ленин). Табақалаштирилган иш ҳақи қанчалар аниқ амалга оширилса, социализм принципи шунчалар тўла рўёбга чиқади, ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги шунчалар юқори бўлади, ижтимоий тараққиёт суръатлари шунчалар тезлашади.

Социалистик жамият ҳар бир аъзоси оладиган индивидуал даромаднинг миқдори унинг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшган меҳнат ҳиссаси билан белгиланади. Бевосита моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, фан соҳасида ҳам, бошқариш соҳасида ҳам, маданият соҳасида ҳам юқори ва паст малакали иш турлари бор ва шунга мувофиқ юқори ва кам ҳақ тўланадиган ходимлар бор. Шу билан бирга социалистик жамият меҳнат қилмасдан даромад олишга бўлган ҳар қандай уринишга қарши изчил кураш олиб боради.

Совет ҳукуматининг иш ҳақи, солиқлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш фондлари, уй-жой қурилиши ва шунга ўхшашларни ривожлантириш соҳаларида кўраётган тадбирлари бутун аҳоли фаровонлигини ва биринчи навбатда аҳолининг камроқ таъминланган қисми фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Иш ҳақини тартибга солиш, унинг минимумини ошириш, даромад солиқларини босқичма-босқич бекор қилиш етти йиллик мобайнида кам иш ҳаки тўланадиган ходимлар маошини анча оширишга олиб келди.

Хўжалик юритиш методларини яхшилаш юзасидан партия белгилаган тадбирларни амалга ошириш коммунизм сари боришда жамиятимиз социал бир хиллигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Иқтисодий қурилишни кучайтириш юзасидан Коммунистик партия ишлаб чиқан тадбирлар коммунизм учун курашаётган халқимиз манфаатларига тўла жавоб беради. Бу тадбирлар социализмни мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳасида, моддий ишлаб чиқаришда Советлар мамлакати қудратини ўстиришни таъминлаш билан бирга бутун дунёда ижтимоий тараққиёт кучларини кўпайтиради, жаҳон революцион жараёнининг ривожланишига ёрдам беради.

(«ПРАВДА», 14 январь).

Тошкент

ХАЛҚАРО ФОРУМЛАР ШАҲРИ

Кейинги йилларда Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент халқаро миқёсда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Урта Осиёнинг йирик илмий ва маданий маркази бўлган пойтахтимиз халқаро форумлар ўтказиладиган газжум жойга айланди.

Фикримизнинг далили сифатида Тошкентда ўтказилган бир неча халқаро йиғинларга тўхтаб ўтамиз.

Тошкентда атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг илмий-консультатив сессияларидан бири ўтказилди. Ана шу йиғин учун нега айнан Тошкент танланди, деган саволга МАГАТЭ бош директори Зигвард Эклунд шундай жавоб берган эди: комитет аъзолари учун Ўзбекистон республикасининг муваффақиятларини ўз кўзлари билан кўриш, унинг пойтахти — улкан ва янги шаҳар билан танишиш, бу шаҳардаги фанлар академияси илмий-текшириш институтларининг фаолияти, саноат корхоналари, чала ўтказгичлар, ядро физикаси ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳаларида олиб борилаётган энг янги тадқиқотлар билан ошна бўлиш фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида атом энергиясидан тинч мақсадларда самарали фойдаланямокда. Радиоактив изотоплар ва ядро нурланишлари фаннинг хилма-хил соҳаларида, медицинада, саноатда ва қишлоқ хўжалигида муваффақиятли қўлланилаётир. Республиканинг 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси, шу жумладан Фанлар академиясининг ядро физикаси институти ўз тадқиқотларида радиоактив моддалардан фойдаланмокда. Республикамиз олимлари врач, кончи, пахтакор, тўқувчи ва бошқа касб эгалари қўлига мўъжизакор атомни тутқазишди.

Юқорида айтилган бу катта муваффақиятлар Тошкентни чет эл атомчи олимлари учрашиб турадиган традицион жойга айлантириб қўйди. 1964 йил январь ойида Тошкентда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан доимий комиссиясининг VII сессияси бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари атом энергияси қўлланилаётган Тошкент корхоналари ишини қизиқиб кўздан кечирдилар. Республика халқ хўжалигида изотопларни қўлланиш сессия қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. «Ўзбекистон ўз саноатини Германияга қараганда анча кечроқ ривожлантиришга киришганига қарамай, у бу мамлакатдан халқ хўжалигининг турли соҳаларида изотоплардан фойдаланишда анча олдинга ўтиб кетди, — деб таъкидлади Германия Демократик Республикаси Фанлар академияси ядро физикаси институтининг изотоплар ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари Петер Кноль.

Ҳозирда мустақиллик олган барча Африка, Осиё мамлакатлари олдида кўптармоқли саноатни барпо этиш проблемаси турибди. Бироқ империализм малайлари бу мамлакатларни индустрлашни мутлақо инкор этадилар. Улар бунга мазкур мамлакатларда табиий ресурслар етарли эмас, Осиё ва Африканинг иқлим ва табиий шароитлари фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга имкон беради, деган бўлмағур далилларни рўкач қиладилар. Буржуа экономистлари ўз капиталист раҳнамолари иродасини бажариб, мустақиллик олган мамлакатлар илгаригидек жаҳон капитализм хўжалигига хом ашё етказиб берадиган дастёр ролини бажаришн керак, деган ғаразли фикрни такрорлайдилар.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат социалистик индустрлаштиришгина — ишлаб чиқарувчи саноатни, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ҳар томонлама ривожлантириш — экономиканинг барча соҳаларини, жумладан қишлоқ хўжалигини ҳам тараққий эттиришни таъминлай олади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда БМТнинг «Экономикани ривожлантиришда саноат комплексларининг роли» деган темадаги семинари Тошкентда ўтказилганлиги бежиз эмас. Семинар қатнашчилари республика экономикаси билан бевосита танишгач, Осиё ва Африканинг мустақиллик олган мамлакатлари ривожланиш йўли тўғрисидаги буржуа назарияларининг бемаънилигига ишонч ҳосил қилишди.

БМТнинг стипендиатлари ишлаб классификация қилиш ва текшириш юзасидан 1964 йил октябрида Тошкентда ўтказилган Халқаро семинар ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Семинар ишида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Сурия, Исроил, БАР, Туркия, Греция каби мамлакатларнинг мутахассислари қатнашишди. Бу мамлакатларда қурғоқ ва ярим қурғоқ ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш проблемаси ҳали ҳал этилмаган. Бу проблема эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга тўсқин бўлиб турибди. Семинар қатнашчилари Ўзбекистонда қурғоқ ва ярим қурғоқ ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, тупроқни классификация қилиш, унинг физик ва химик хусусиятларини яхшилаш, шўрҳок ерлардаги эррозиянинг турли кўринишларига қарши курашнинг энг янги методларини топиш каби соҳаларда олиб борилаётган илмий ва амалий ишлар билан батафсил танишдилар.

Ҳали яқиндагина бўлиб ўтган Тошкент учрашувининг муваффақиятли якуни прогрессив инсониятнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб, унинг акс садоси планетамиз бўйлаб янграмоқда. Осиёдаги икки давлат — Ҳиндистон билан Покистон раҳбарлари Тошкентда ўзаро бир битимга келдилар. Тошкент Декларацияси имзоланди. Ақл-идрок тантанаси бўлган бу тарихий ҳужжат тинчлик ишининг яна бир катта ғалабасидир. Тошкент Декларацияси Ҳиндистон ва Покистон халқларининг туб манфаатларига, халқлар хавфсизлиги, бутун дунёда тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушди.

Биз юқорида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро форумларнинг айримларигагина изоҳ бериб ўтдик. Тошкентда бўлиб ўтган санитария маорифи юзасидан Халқаро семинар, Осиё ва Африка мамлакатларининг Халқаро кино фестивали, хотин-қизлар таълими юзасидан Осиё ва Африка мамлакатлари хотин-қизларининг Халқаро семинари, Осиё, Африка, Америка ва Европа мамлакатлари соғлиқни сақлаш миллий хизмати раҳбар ходимларининг семинари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик символи бўлиб қолган «Тошкент руҳини аҳудга келтирган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Конференцияси ва бошқа кўп халқаро форумлар социализмнинг шарқдаги машъали бўлган бу шаҳарнинг довруғини бутун дунёга таратди.

М. ҚОСИМОВА,
В. ЧЕБОТАРЕВА,
тарих фанлари кандидатлари.



Тошкент оқшоми. Суратда: «Снежок» кафеси.

ТОШКЕНТЛИКЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Тошкент химия-фармацевтика заводи ишчи-хизматчилари фарзандлари учун ажойиб совға ҳадя этилди. 2-Сарикульская кўчасида икки қаватли болалар боғчаси қуриб битказилди.

Шунингдек, заводнинг илгариги маъмурий бинаси ҳам қайтадан ремонт қилиниб, поликлиникага айлантирилди. Поликлиникада терапия, невропотология, томоқ, қулоқ-бурун касалликлари бўлимлари бор. Бўлимлар замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

* * *

Ленин районидаги Малобешагач кўчасида янги озиқ-овқат магазини ҳаридорларга хизмат қилабошлади. Замонавий лойиҳа асосида ойнавандли қилиб ишланган магазинда кондитер, сут ва нон маҳсулотлари бўлимлари бор. Магазининг устки қаватларига эса анчагина онлалар кўчиб кирди.

ЯНГИ САВДО КОРПУСИ

Октябрь колхоз бозорини қайта реконструкция қилиш ишлари жадаллаштирилиб юборилди. Район аҳолисига кўрсатилаётган маданий-маиший хизматни янада яхшилаш учун бозорда гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган уч қаватли корпус қуришга қарор қилинди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 600 сотувчи ҳаридор хизматида бўлади. Савдо корпуси лойиҳаси тайёр. Ингма-темир бетон конструкцияларидан қуриладиган бино лойиҳасини «Средазгипроторг» институти мутахассислари чизишган.

Бўлажак корпуснинг биринчи қаватида турли сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Иккинчи қават гўшт ва гўшт маҳсулотлари, учинчи қават эса сут ва сут маҳсулотлари билан савдо қилишга мўлжалланади. Ҳар қайси қаватларда стационар ва кўчма совутиш қилавкалари, лабораториялар бўлади.

Бозорда яқин йиллар ичида сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган павильонлар, гастроном, меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳам ишга туширилади.

М. МАХМУТОВ.

Суратда: бўлажак савдо корпусининг макети.

А. ПАЛЕХОВ фотоси.



ЯНГИ МЕТОДИК КАБИНЕТЛАР

Мактабларда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида республика маориф министрлигида учта янги методик кабинет ташкил қилинди. Булар болалар ўртасида тарбия ишлари кабинети, ўқув кўргазмали қуроллари, дарсликлар ва техникавий воситалар бўйича республика методик кабинети ҳамда эстетик, музика ва рассом тарбияси бўйича кабинетлардир.

Бу кабинетлар илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш билан шуғулланади. А. Г. Нисенбойм, А. Жилцова, Р. Ахророва каби тажрибали маориф ходимлари бу ишга жалб қилинган.

Янги кабинетлар мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, ўқитувчилар ва ота-оналарга тарбиявий ишларда амалий ёрдам кўрсатади.

Р. АБДУРАНИМОВА.

Тасвирий достон

...Эски Тошкентнинг бир чеккаси. Ўрта Осиёда қиш фаслидаги қуёшли кунлардан бири. Ҳаво очиқ. Лойдан ясалган уйлар хира кўринади, дарахтларнинг ялонгоч шохлари зангори осмон фонида худди чизиб қўйилгандай. Етиқ қирғоқда, ариқ устига ташланган кўприкча устида қор кўринади. Тошкентнинг қишки табиати моҳирона тасвирланган бу суратни тошкентлик рассом М. Новиков 1927 йилда чизган. Лекин ана шу пейзаж кўп йиллардан бери санъат шинавандалари ва рассомлар диққатини жалб қилиб келмоқда.

Тошкент манзаралари анчадан буён рассомларни қизиқтириб келади. 20-йиллардаёқ рассомлардан А. Исупов ва И. Казаковлар ўз асарларида пойтахтимизнинг кўркам жойларини чиздилар. 1929 йилда эса А. Исуповнинг Тошкентни тасвирлаб чизган асарлари открткаларга тўпламида чиқарилди.

Рассом И. Казаковнинг Тошкентнинг Братская ва Охунбобоев номли кўчалари бурчагидаги уй ҳовлисини тасвирлаган этюди Ўзбекистон Санъат музейида сақланмоқда. Рассом томонидан бу жойнинг танланиши бечиз эмас. 1919 йилда бу ерда ўлка бадиий мактаби ташкил қилинган ва унда И. Казаков дарс берган эди.

Мана, яна бир сурат. Унда М. И. Калининнинг Тошкент батраклари билан суҳбати тасвирланган. Уни тошкентлик рассом М. Курзин яратган.

Юқорида номлари келтирилган асарлар тарихий ва этнографик характерга эга бўлиб, улар турли авлод ва иқтидор йўналишларга мансуб бўлган рассомларнинг ўз жонажон шаҳарларига бўлган меҳр-муҳаббатидан дарак беради.

Урушдан кейинги йилларда ҳам рассомлар томонидан Тошкентнинг турли жойлари юксак маҳорат билан тасвирланди. Рассомлардан В. Кедрин, В. Кайдалов, К. Чепраковлар ўз жонажон шаҳарларида рўй бераётган катта ўзгаришларни мўйқалам билан суратга туширидилар.

В. Кедрин асарларида Ўзбекистон пойтахтининг архитектураси алоҳида жозиба билан акс эттирилган. Навоий проспекти, педагогика институти тасвирланган картиналар шулар жумласиндандир. Навоий номли театр портали тасвирланган суратда эса ботаётган қуёш нурлари остидаги манзара кишини ўзига жалб этади. Умуман В. Кедриннинг пойтахтимизни акс эттирган суратлари юксак дид ва маҳорат билан чизилган.

В. Кайдаловнинг «Социалистик Тошкент» автолитографиялари серияси ҳам диққатга сазовор. Уларда рассом шаҳримизнинг янги қиёфасини тасвир қилган, шаҳардаги янгилик билан эскиликнинг бир-бирига қўшилиб нетганлигининг ўзига хос томонларини ҳам кўрсатган.

Тошкент ҳақидаги янги асарлар, лирик пейзажлар, янги бино ва кўчаларни, шаҳримиз кишиларининг ҳаётини акс эттирувчи асарлар тобора кўпайиб бормоқда. В. Зеликовнинг «Театр майдони», В. Петровнинг «Тошкент кузи», Г. Абдурахмоновнинг «Пахтакор»да футбол бошланиши», Д. Синицкийнинг «Тошкент. Театр майдони» асарлари шулар жумласиндандир. Г. Шевяковнинг «Тошкент кўчаларида», «Ўрда кўприги» сингари акварель этюдларини пойтахтимиз ҳақидаги тасвирий достондан лирик парчалар, деб атаса бўлади.

К. Чепраковнинг бўёқларга бой, жозибадор акварель манзаралари рассомнинг катта ижодий ютуғидир. У бирмунча декоратив усулда янги шаҳар, унинг чиройли бинолари, театр ва боғларини тасвирлаган. Рассомнинг «Кузги Тошкент», (унда Навоий номли театр биносининг олд қисми тасвирланган), «Курант» асарлари шулар жумласиндандир.

Тошкент ҳақидаги тасвирий достон юқорида саналган асарлар билан чекланмайди, албатта. Улуг Октябрнинг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кетаётган ҳозирги вақтда рассомларни кундан-кунга яшариб бораётган пойтахтимизнинг жозибадор қиёфаси ўзига тобора жалб қилмоқда. Улар ўзларининг янги-янги асарларини Тошкентга бағишламоқдалар.

О. АПУХТИН.

400-ТА МЕДИЦИНА МУАССАСАСИ

Ўтган йили республикамиз пойтахти Тошкентда касалхона, поликлиника, консультация, медицина пунктлари ва шунга ўхшаш 399 та медицина муассасалари бор эди. Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида пойтахтимизнинг Киров районида янги поликлиника ишга туширилгач, медицина муассасаларининг сони 400 тага етди.

Асбобсозлик ва абразив заводлари ишчи хизматчилари учун мўлжалланган бу поликлиникада 33 врач ишламоқда.

Н. СЕРГЕЕВ.

ШИФОБАХШ БУЛОҚЛАР

Тошкент минерал сувининг шифобахшлиги ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Унинг киши организмига қанчалик фойдали эканлигини ҳаммамиз ҳам яхши биламиз. Тошкент шаҳри ва унинг атрофида бир неча минерал сувлар чиқадиган қудуқлар қазиляпти. Бу қудуқлар фойдаланишга топширилгач, беморларни даволаш ишлари янада енгиллашади.

«Каршинефтегазразведка» ва «Бухаранефтегазразведка» трестларининг пармаловчилари Тошкент тўқимачилик комбинати касалхонаси районида минерал сув чиқадиган қудуқ қазишди. Пармаловчилар 2400 метр ер остидан сув чиқариш учун икки йилга яқин меҳнат қилдилар. Ҳозир қудуқ ва унинг суви текшириб кўриляпти. Суткасига отилиб чиқадиган 430-450 кубметр ҳажмидаги сув беморлар дардига шифо беради.

«Ташминводи» санаторийси яқинидаги республика сабзавот картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институти районида ҳам яна бир қудуқ қазиляпти. Пармаловчилар 2 минг 700 метр чуқурликда қудуқ қазишлари керак. Ҳозир бу ишларнинг ярмидан ортиғи бажариб қўйилди. Шифобахш булоқлар ҳадемай беморлар дардига даво бўлади.

В. ВАЛЕЙШО,
инженер-гидрогеолог.

Р. ХАИМОВ,
нефть инженери.

104 ГЕКТАРЛИК САЙЛГОҲ

Ленин комсомоли номи билан аталган бу парк шаҳар сайлгоҳлари ичида алоҳида ажралиб туради. Иссиқ ёз кунлари унинг мовий қўлида чўмилмаган ёки қайиқларида сузмаган кишилар, жажжи темир йўлида «олис» сафарга чиқмаган кичкинтойлар, очиқ эстрада саҳналарида ўз санъатини намойиш қилмаган машҳур санъаткор-у ёш ҳаваскорлар, салқин хиёбонларида сайр қилмаган севишганлар йўқ дейсизми Тошкентда.

Унинг бағрида ҳар куни 10—15 минг киши дам олади. Якшанба кунлари, байрамларда эса бу рақам уч-тўрт баравар ортиб кетади. Ўтган йилнинг ўзида 2 миллиондан кўпроқ киши бўш вақтини шу ерда ўтказибди. Бунёд этилгандан буён эса бу ерга келиб, кўнгилли хордиқ чиқарганларнинг сони 30 миллион кишидан ортади.

Боғда кинотеатр, яшил театр, кураш майдони, эстрада саҳнаси, қироатхона, бильярд павильони, чойхона, ресторан ва яна талайгина дам олиш манзилгоҳлари бор.

— Лекин паркнинг майдони 60 гектардан ортиқ ва ундаги маданий-маиший бинолар анчагина бўлса ҳам ҳамшаҳарларимизга торлик қилянти, — дейди парк директори Раҳимжон Тешабоев. — Шунинг учун Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарори билан паркни кенгайтиришга қарор қилинди.

Қарор бўйича паркнинг умумий майдонини 104 гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Уни кенгайтириш ишлари ўч йил ичида тамомланиши керак. «Ташгипрогор» лойиҳачилари паркни реконструкциялаш лойиҳасини тузиб бердилар.

Қурилишнинг биринчи навбати бу йил бошланиб, парк 15 гектарга кенгайтирилади. Бу майдон асосан анҳорнинг ўнг қирғоғидан қўшилади. У ерда республика атеизм уйи орқасига янги бино қурилянти. Бу йилги мавсум очилгунча маҳкур бино фойдаланишга топширилади.

Қурилишнинг иккинчи навбатида эса янги театр, эстрада, ўқиш зали, янги ресторан павильони фойдаланишга топширилади. Ғарби-шимолда саҳни уч гектарлик янги кўл барпо қилинади.

Реконструкция ишларининг учинчи навбатида ҳамма ишлар якунланади. Боғ атрофидаги нон заводи, кўн заводи, гўшт комбинати ўз ўринларини паркка бўшатиб берадилар. Улар ўрнида паркка қарашли кинотеатр ва концерт зали қад кўтаради. Қисқаси, парк чегараси 1-пойафзал фабрикасигача боради.

104 гектар! Биласизми, бу қанча майдон? Бу Европадаги ўзини мустақил қилособ юрган айрим давлатлар майдонидан катталик қилади. Шу жумладан, дунё христианларининг қароргоҳи Ватикандан икки баравардан каттароқ. Монако давлати майдонига эса тенглашиб қолади.

Комсомол кўли ҳозир ҳам энг катта парклардан ҳисобланади. У шаҳардаги парклар орасида биринчи бўлиб «мустақиллик»ни қўлга киритган: хўжалик ҳисобига ўтган. Яъни ободонлаштириш, ишчи-хизматчилар маошга кетадиган харажатларни ўз даромади ҳисобига қоплайди.

Паркнинг кенгайиши унинг коллективи зиммасига янги катта вазифалар юклайди. Уни ободонлаштириб дам олувчилар кўнглини ҳушнуд этишда гулчи Мурод Тошхўжаев, Бека Нуриева, Қумри Хошимова, Тожибой Алихоновлар яна сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Паркнинг ижодий коллективи эса маданий-оқартув ишлар савиясини ошириш учун маҳкам бел боғлаган.

Бу ерда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишдек катта ишга ҳозирдан киришилган. Бу умумхалқ байрамига бағишлаб кўрсатиладиган карнавални тайёрлаш режалари белгиланмоқда. Жумладан, режиссёрларга байрам сценарийсини ёзиш вазифаси топширилди.

...Паркни шаҳарнинг чеҳраси, табассуми дейишади. Тошкентимизнинг чеҳраси янада гўзал бўлади. Қайта бунёд бўлаётган комсомол кўлининг келажаги шундан далолат бериб турибди.

С. МУСАЕВ.

Бу сурат пойтахтимизнинг гўзал хиёбонларидан бири — Революция сквернда олинган.

М. Нуриддинов фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Икки қутб** (болалар учун). 12.15 — **Концерт** (Крупская номли пионерлар саройи ҳаваскорлари ижросида).

Ўзбек тилида: 12.50 — **Трубачёв отряди жанг қилади** (бадиий фильм). 14.20 — **Ишонч** (мактаб ўқувчилари учун телеинсценировка).

Рус тилида: 17.00 — **Вовна узоқ элларда** (болалар учун). 17.25 — **Телевизион янгиликлар**. 17.40 — **Туёқ, гилдирак ва санкиз аср** (илмий-оммабоп фильм).

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**. 18.15 — **Истиқбол эгалари тележурнали** («Ёшлик» студияси). 19.05 — **Эстрада концерти**.

Рус тилида: 19.35 — **Крепостной актриса** (музикали кинокомедия). 21.10 — **Янги йил ярмаркаси** («Голубой огонёк»).

22.10 — **Эшиттиришлар программаси**.

22.15 — **Узбек халқ куйлари**.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари**.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/I да кундуз **Русалка**, кечқурун **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/I да кечқурун **Қотил**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/I да янги спектакль, **Ота ўғли**, 17/I да **Тошболта ошиқ**.

КИНО

Шимол гули — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Афина атрофида — «ИСКРА», (кундуз ва кечқурун).

Фаақулодда топшириқ — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

«Аврора» залпи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

Тарбиясиз қиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи
ВЛАДИМИР БОРИСОВ
қўл остида
«АРСЛОНЛАР» АТТРАКЦИОНИ.
«ЮНОСТЬ» ЦИРК КОЛЛЕКТИВИ ТОМОШАЛАРИ
Билетлар сотилмоқда.
Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА
линотипчилар, қоғоз қирқувчилар, фальцовкачилар, сувоқчилар, гишт терувчилар, нормаловчи, уборщицалар
КЕРАК
Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 127-хонада кадрлар бўлимига учрашилсин.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИГА
усиуна ремонт қилувчи слесарлар, инструментчи слесарлар, штампларни текширувчи наладчиклар, токарь автоматларида ишлаш учун автоматчилар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар, электросваркачилар, пресс-ва штамповкачи касбларига ўргатиш учун шогирдлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Манжара кўчаси, 135-уй (5-трамвай, 7, 12, 17, 22, 26-автобуснинг «Корасув» остановкаси).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06046. ИНДЕКС 64969 Г — 1032.